



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 14 май, №103 (3215)

Чоршанба

НУРОТАДА ЯНГИ КОН ТОПИЛДИ

НАВОИЙ (Уза мухбири Еркул УМАР). Нурота қадим-қадимдан ўзининг сержилло мармари билан машҳур. Яқинда "Фозгон" конига туташиб кетган қир-адирликлардан улкан захирга эга бўлган оқ мармар кони топилди. Маҳобатли биноларга чирой бахш этадиган бу қимматбаҳо қурилиш материални қазиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда янги "Чоркудук" конига электр линиялари тортиш, сув қувурлари ва асфальт ётқизиш ишлари бажарилмоқда.

13 май куни Нурота туманидаги "Фозгонмармар" корхонасида оқ мармар тақдироти бўлиб ўтди. Унда "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компанияси, "Тоғ-геология жамлама экспедицияси" очиқ акционерлик уюшмаси, Навоий конметаллургия комбинати вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов, вилоят ҳокими Бахриддин Рўзиев иштирок этди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ҲАМКОРЛИК ВА ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА МУЛОҚОТ

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Марказий Осиё XXI асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот" мавзуда халқаро конференция бошланди.

Уч кунга мўлжалланган маъруза анжумани Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ҳамда НАТОнинг матбуот ва ахборот бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Марказий Осиё давлатлари ҳамда АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон каби мамлакатлар, шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТО, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё

тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлардан юзга яқин мутахассис иштирок этмоқда.

Маълумки, геополитик ўзгаришлар натижасида Марказий Осиё минтақасида пайдо бўлган долзарб муаммоларга нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши ортиб бормоқда. Анжуманда етакчи халқаро мутахассислар минтақавий хавфсизликка трансмилий таҳдид, терроризм ва диний-сиёсий экстремизмнинг янги кўринишлари қарши кураш, наркотик моддаларнинг ноқонуний мустаҳкамлаш йўлида юритаётган сиёсатига халқаро ҳамжамият томонидан берилаётган юксак баҳонинг яна бир эътирофидир.

қалаги иқтисодий интеграциянинг ривожланишида муҳим омил бўлади.

Анжуманда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг бу борадаги ёндошувлари ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳаларда ўзаро минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларда ҳам тараққиёт фикри юритилди.

Маъруза форумнинг айнан Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлаш йўлида юритаётган сиёсатига халқаро ҳамжамият томонидан берилаётган юксак баҳонинг яна бир эътирофидир.

Санджурод РАҲИМОВ,
Уза мухбири.



Дон — ризқу рўзимиз

Ғалла хирмонининг баракали бўлиши биринчи ғалла серҳосил навага, қолаверса, деҳқоннинг меҳнати, гайрат-шижоатига боғлиқ. Бу борада Ургут тумани ғаллакорлари катта тажрибага эга. Хусусан, Ҳамза номидаги ширкат хўжалиги миришкорлари ўтган йили кузда 1600 гектар майдонга ғалланинг "Чиллаки", "Крошка" каби навлари уруғини қадашган эди. Айни кунларда ғаллакорлар ўрим-йиғим мавсумига пухта ҳозирлик қўймоқдалар.

СУРАТДА: бош ҳисловат Жамол Турсунов (ўртада), ғаллакорлар Абдуқодир Каппабеков ва Эгамберди Бегимов экин ривожидан маъмур.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Уза) олган сурат.

Хар бир оила ўз бюджетига — яшаш, яшаганда ҳам "кўпнинг қаторида" яшаш яшашга имкон берадиган даромадга эга бўлиши хоҳлайди. Бу табиий, бу — керак ҳам. Лекин даромад манбаи ва қўлами ҳар бир оилاداги инсонларнинг имкониятларига, кўп ҳолларда пул топиш имкониятларига боғлиқ.

Бутунга келиб, битта оила рўзгорини тебратиш учун эркаклар билан бир қаторда аёлларимиз ҳам тенг ҳаракат қилишмоқда. У ёки бу мусасса, ташкилот, фермер хўжалиги, ширкатда ишламасалар ҳам баҳоли қудрат бир парча еридан, боқмаётган чорвасидан ёхуд турмуш ўртоғи топиб келган нарсаларини умуми сарфлашдан рўзгорининг бекам-қўёт тўғрисида ҳисса қўшаётган хотин-қизларимиз қанча. Бу ҳам баъзан

Жойлардан хабарлар

Зукко ҳамшира аниқланди

Умумжаҳон ҳамширалар куни муносибати билан Ўзбекистонда шовиш-шоҳнама илмий марказида «Ҳамшира-кўрик-таълими ўтказилди. Унда илмий марказнинг ўз ишига пухта, билимдон, чақдон ва

Маънавий сабоқлар

Оилавий тадбиркорлик

оиланинг "тадбиркорлиги" деб талқин этилмоқда. Аммо ораминда оиланинг кам-қўстини тўлдирish учун, ноқон булса ҳам айтишга мажбур бўлсан одам, олиб-сотарлик йўли билан даромад қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Катталар майли, яъни, ота ёки она бу ишга қўли уришга мажбур бўлган, илмий-этикавий, ҳунари камлик қилиб, бир шахардан иккинчисига қатнаб, олиб-сотарлик қилгани етмагандай, болавларини ҳам мажбур қилаётганлар бор экан. Бир йилгиларда оқий мактаб ўқитувчиларининг эътиронини тинглаб, ўзининг ёмон ҳис қилдим. Бир ўқувчи бозорга чиқиб олиб-сотарлик

қиларкан. Кунига 10000 сўмгача пул олиб келмаста, отаси уни жазолар экан. Мактабга бормади қўйган бу ўқувчи боланинг отаси ва онасини, улар агар узоқни кўриш қобилиятини йўқотган бўлса, яқин қариндошларини, ўқитувчиларини умуман тушунмайман. Нега бола ота ва онанинг ношуғлиги учун келажикдан, ёшлик умидларидан, керак бўлса, болагаидан, керак бўлса, бола маънавиятига баъзан тўғри келмайдиган бозордаги муҳитда бўлишга мажбур этилган? Эртага янгиликлар ва ислохотларнинг самараси ўлароқ, ҳаётимиз

(Давоми 2-бетда).

топа билани ва соғайиб кетишга ишонтириш керак. Ўтказилаётган тадбир эса ҳамшираларда юксак фазилатларни шакллантириш билан бир қаторда ўз мутахассисларига бўлган меҳр-муҳаббатни янада кучайтириш, шубҳасиз.

Танловда марказнинг қорин бўшлиғи жарроҳлиги бўлими катта ҳамшираси Лилия Макаренко голиб деб топилди.

М. ЮСУПОВ.

Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдада йирик кўпорувчилик содир этилди. Хорижликлар истиқомат қилаётган бир неча бино портлатилди. Оқибатда кўп одамлар оғир яраланди, қурбонлар ҳам бор.

АР-РИЁДАДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИК

Дастлабки маълумотларга қараганда, портловчи модда тўлдирилган машина билан биноларнинг бирига келиб урилган. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарга кўра, бирин-кетин тўрт портлаш содир этилган.

АҚШнинг Саудия Арабистонидagi Фавқулодда ва Мухтор элчиси Роберт Жордан Си-э-н телекомпаниясига берган интервюсида портлаш натижасида эллика яқин АҚШ фуқароси оғир жароҳатланганини таъкидлади. Уларнинг икки нафари ҳаётдан қўз юмган. Шунга қарамай, АҚШ давлат департаменти бу ерда яшаб турган америкаликларни Саудия Арабистонини тарқ этишга ча-

қирмади. Подшоҳлик расмийлари содир этилган жиноятни аниқлаш учун барча чоралар ишга солиниши ва хавфсизлик янада кучайтирилди.

Шарҳловчи минбари

ридлишини маълум қилди. Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Ар-Риёдадаги кўпорувчиликни қаттиқ қоралади. Биз террорнинг дунёвий муаммо эканига яна бир бор тўғуш бўлди. "Ал-Қоида" ниҳоятда кучсизланган, бироқ у батамом йўқ қилинмаган ва ҳар қаламда ўзининг ёвуз ниятини амалга ошириш учун

ҳаракат қилиши мумкин, деди К.Пауэлл Уммонда ўтказилган матбуот анжуманида.

Колин Пауэлл кўпорувчилик содир этилганга қарамасдан Саудия Арабистонига боришини маълум қилди.

Ҳозир портлаш юз берган жойда кутқарувчилар ишламоқда. Жароҳатланганлар яқин атрофдаги шифонахаларга ётқизилган. Бу каби жиноятлар подшоҳликда аввал ҳам бир неча бор содир этилган. 1995 йил ноябрда Ар-Риёдада АҚШ ҳарбийлари ўқув марказида портлаш юзотирилган эди. Ушбу кўпорувчилик беъ нафар америкалик ва икки нафар ҳиндистонликнинг умрига зомин бўлди, қўллар одамларга оғир жароҳат етказди.

Орадан бир йил ўтиб, Хобар шаҳрида жойлашган АҚШ ҳарбий базасида йирик кўпорувчилик содир этилди. Бу жиноят 19 нафар АҚШ аскарининг ўлимига сабаб бўлди, 400 киши жароҳат олди.

Фозилдин АРЗИЕВ,
Уза шарҳловчиси.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ!

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слово", "Правда Востока" газеталари, "Матбуот тарқатувчи" акционерлик компанияси ҳамкорлигида эълон қилган "Ўзбекистон ва Ўзбекистонликлар" — "Мустақил Ўзбекистон замондошларимиз сиймосида" республика ижодий танлови ҳайъати куйидаги таркибдаги голиб ва совриндорларни эълон қилди:

- 1-ўрин — Саъдулла СИЕЕВ, республика матбуотида эълон қилинган туркум мақолалари учун.
- 2-ўрин — Абдуқадир ИБРОҲИМОВ, "Миллат овози" китоби учун — Наталья ПОЛЯНСКАЯ, "Правда Востока" газетасидаги туркум мақолалари учун

- 3-ўрин — Мақсуд АБДУРАҲИМОВ, "Жемчуг древних истин" китоби ва мақолалари учун — Эсирган БОЛИЕВ, замондошларимиз ҳаётидаёқ ёзилган мақолалари учун — Асрор МҲМИНОВ, "Президент. Спорт. Ғалаба", "Сенинг юлдузларинг, Ватан!" китоблари учун

- Рағбатлантирувчи мукофот: — Мақсуд САТТОРОВ (публицист), — Ольга КАЛИНИНА ("Народное слово"), — Ҳамид СУЛТОНОВ (журналист), — Татьяна ПРОНКИНА ("Молодёжь Узбекистана").

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига жаҳон журналистика факультетига "Журналистикани урганиш учун Америка маркази"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу марказ ЎзДЖТУ ва Марказий Осиё ҳамда Американинг академик ривожланиш ҳамкорлиги (МОААРХ) томонидан ташкил этилди.

Университетда Америка маркази

Марказини ташкил этишдан мақсад талабаларга журналистика сирларини пухта урганишда қўлайлик яратилди. Чунки марказ кутубхонасида журналистикага оид китоб ва қўлланмалардан ташқари, интернетта уланган компьютерлар мавжуд.

Забинисо НАИМОВА.

Олимлар ҳисоботи

Кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тарихидан илмий мувофиқлаштириш кенгашининг Фаи ва технологиялар марказида «Агроекономика йўналишида 2000-2002 йилларда давлат илмий-техника дастурлари доирасида баъжарилган илмий-тадқиқот натижалари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни таъминлаш чора-тадбирлари» мавзусида бўлиб ўтган семинарда олимларимиз томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан, сифатли ва қисқа муддатларда ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсуслот" давлат-акциядорлик корпорацияси, "Ўзқишлоқхўжалик-маш-холдинг" компанияси, "Ўзгрозмашсервис" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг жорий йилнинг 15 майгача дон хирмонлари ва майдончалари, дон тозалаш қурилмалари ва донни дастлабки қайта ишлаш бўйича бошқа воситалар, шунингдек бошқоқли дон экинлари ҳосилини қабул қилиб олиш учун дон қабул қилиш пунктлари ва элеваторлар таяёрлаб қўйилганлиги;

жорий йилнинг 25 майгача таямirlаш ишлари, дон ўриш комбайнлари, дон ташиниш учун транспорт воситалари таяёрлаб қўйилиши, ҳосилини йиғиштириб олишга ғалла ўриш комбайнлари тўлиқ жалб қилиниши, биринчи навбатда, ҳосил ўрими-йиғимида юқори унумли "Кейс", "Клас" ва "Нью-Холланд" комбайнларининг қатнашини;

доннинг хўжалиқлар томонидан таяёрлов пунктларига албатта дастлаб тозаланган, ифлослиги ва намлиги стандарт нормативлардан, ортиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилиши таъминланиши тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилиниши.

2. 2003 йил дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишни ташкил этиш ва амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгрозмашсервис" уюшмаси, унинг худудий бирлашмалари ва машина-трактор парклари раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзгрозмашсервис" уюшмаси донни комбайнлардан хирмонларга ва дон қабул қилиш пунктларига ташиниш учун юк автомобиллари, тирикчилик транспорт тракторлари ишга солинишини таъминлашнинг, шунингдек умумий фойдаланишдаги автокорхоналардан ва бошқа ташкилотлардан транспорт воситаларини шартнома асосида жалб этилиши.

Зарурат бўлганда дон ташинишга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар автопаротларини шартнома асосида жалб этилиши.

Белгиланган тартибда, донни дон қабул қилиш пунктларига ташиниш бўйича транспорт ҳаракатлари "Ўздонмахсуслот" давлат-акциядорлик корпорацияси томонидан тўланади.

4. "Ўзгрозмашсервис" уюшмаси бошқоқли дон экинлари янги ҳосилини йиғиштириб олиш учун қишлоқ хўжалиги техникасининг юқори даражада таяёрланиши таъминланиши ҳамда зарурат бўлганда тузилган шартномалар асосида вилоятлар ўртасида ғалла ўрим-йиғим техникасини экипажлари билан бирга қайта тақсимласин.

5. 2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга қўмақлашни учун

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 май.

Анжуман

Демократик ўзгаришлар — талабалар онгига

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида иккинчи ҳафтадаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси фаолиятининг якунларига доир анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакат олий таълим муассасаларининг биринчи проректорлари ҳамда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедралари мудири иштирок этдилар.

Анжуманин вазири С. Ғуломов қисқача кириш сўзи билан очиб, маъруза сессияда давлатнинг рақобатининг «Биз танлаган йул — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» мавзусидаги маърузасида баён этилган масалалар ҳамда унда қўйилган вазифаларнинг олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида ижросини, шунингдек, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларда профессор-ўқитувчилар ва талаба-ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари буйича ўз фикрларини билдирди.

Анжуманда Тошкент Молия институтини профессор К. Усмонов ва Тошкент юридик институтини доценти Х. Муҳаммадовлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар ва уларнинг мамлакатдаги демократик ислохотлар жараёнида тугган муҳим ўрни тўғрисида маърузалар қилдилар.

Сийёсий шарҳловчи Х. Нуриддиновнинг Ўзбекистоннинг Ироқ масаласидаги қатъий позицияси ва муносабати-га доир маърузаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи И. Иноятнинг «Миллий армия ва мамлакат мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги чиқиши ҳам иштирокчилар томонидан алоҳида қизиқиб билан тингланди.

Анжуман сўнггида сессияда қўрилган масалалар моҳиятини, Президентимиз Исроҳ Каримов маърузасида баён этилган фикрлар ва қарашларни талабалар онгига ва қалбига тўла-тўқис етказиш борасида олинган турган вазифалар буйича қизгин фикр алмашилди.

М. САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



— Чемпионларга доимо қийин бўлган. Чунки биринчи ўрин соҳибларига рақиблар ҳар қачон жиддий қаршилик қилиб келганлар, — дейди Тошкент шаҳар «Ешлик» кўнглили спорт жамияти раиси ўринбосари Дониёр Султонов. — Шунинг учун Хоразмда кечажак мусобақаларга ҳозирликни анча аввал бошлаб юборганмиз. Ҳар бир спорт тури буйича малакали мутахассислар машғулотлар олиб боринди. Футболчиларга таниқли ҳакам Семён Могилевский ва ёшлар билан чемпионликни қўлга киритиш ҳақинини оўлган Бахтиёр Саидовлар мураббийлик қилади. Икки қара Олимпиада чемпиони Вера Дюнова волейболчилар билан Миробод туманидаги 94-мактабда тайёргарлик машғулотларини маромига етказди. Шунингдек, қўл тўпи ва баскетболчиларимиз ҳам тажрибали мураббийлар қўл остида шугулланмоқда. Айнан шу спорт турлари буйича олтин медалларни олишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари теннисда ҳам юқори натижага эришишимиз мумкин. Сафимизда 2002 йил Тошкентда бўлиб

Бугун Хоразмда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бошланади. Болажонларнинг севимли байрамга айланган ушбу беллашуларга Тошкент шаҳар жамоаси «Тошкент-Урганч» йўналишидаги махсус поездда етиб борадилар.

Ўтган йилги Фарғонадаги бахсларда биринчи ўринни қўлга киритган пойтахтликлар бу йил ҳам ана шундай юксак натижани қайд этишга аҳд қилганлар.

Мақсад — Ғолибликни сақлаб қолиш

Ўтган аёллар ўртасидаги Осиё чемпионатининг 3-ўрин соҳибаси Ирина Арутюнова бор. 8-синфини эгинган тамоқлаётган Ирина Хоразмда ўзининг ноёб истеъдодини намойиш қилиб, ракетка устаси Ирода Тулаганованинг ҳақиқий излоши эканлигини исботлашга ишонаман. Шахмат буйича ёшлар ўртасида

Осиё чемпионлари Антон Филипов ва Тимур Гаревлар 64 катак ичидаги «жанг»ларда пойтахт шарафини муносиб ҳимоя қилишга жиддий ҳозирлик қилишган. Уларнинг ягона мақсади — чемпионлик! Спорт устаслари Мария Сержантова ҳамда Екатерина Бабинова бадий гимнастикада уларнинг нозик

ўйинлари билан барчани дол қолдиришга шубҳа қилмайми. Спортнинг айнан шу тури ва сузишда навоийликлар бизга асосий рақиб ҳисобланади. Бу йилги мусобақаларга тайёргарлик кўриш жараёнида асосий эътиборимизни миллий ҳамда белбоғли курашга қаратганмиз. Чунки ёдингизда бўлса, Фарғо-

нада бу спорт турлари буйича бирорта ҳам совринли ўринни ололмаган. Миллий ва белбоғли курашдаги муваффақиятсизлик сабабларини таҳлил қилиб, бир неча ёш курашчиларни синовдан ўтказдик. Уларнинг орасидан энг истеъдодлиларини танлаб олдик.

Мақсад—Президентимиз-

Шоҳсунага чиққанларга «Матиз», «Дамас» ва компьютерлар

Бу йилги «Умид ниҳоллари — 2003»-да ҳар бир вилоятдан спортнинг 12 тури буйича 150 нафардан спортчи ўқувчи иштирок этди. Беллашуларда чемпионликни қўлга киритган вилоят жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матиз», 2-ўринни эгаллаган вилоят жамоаси Хоразм вилоят ҳокимлигининг «Дамас» автомашинаси билан тақдирланишди. 3-ўринни ол-

ган вилоят жамоасининг ҳар бир иштирокчиси шахсий компьютер билан мукофотланди. Бундан ташқари, ҳар бир спорт тури буйича 1-, 2-, 3-ўринларни забт этган ёш спортчиларга Халқ таълими вазирлигининг дипломлари, олтин, кумуш ва бронза медаллари, ҳоимларнинг эсдалик совғалари топширилади.

Ўз мухбиримиз.

ИНТЕР ЭКСПО компанияси (Италия) Италия элчихонаси ва РКСМ «Ўзэкспомарказ» билан ҳамкорликда сизни технология, асбоб-ускуна ва тайёр маҳсулотлар EXPO ITALIA 2003 тўртинчи кўргазмасига таклиф этади.

Озиқ-овқат ҳамда қурилиш саноати, тошни қайта ишлаш, туризм ва тижорат, терини қайта ишлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, тўқимачилик асбоб-ускуналари, шунингдек, узок мuddат фойдаланиладиган товарлар, мебель, чойшаб ва кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари.

EXPO ITALIA 2003

Ташкилотчилар: ИНТЕРЭКСПО Италиянинг Тошкентдаги элчихонаси билан ҳамкорликда.

Кўргазма доирасида ўтказиладиган тадбирлар: 21 май куни «Ўзэкспомарказ»нинг матбуот марказида «Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноатига инвестиция киритиш имкониятлари» мавзусида семинар ўтказиш.

Ташкилотчилар: Интерэкспо компанияси Тошкент шаҳар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда.

Кўргазмани ўтказиш манзили ва вақти: 2003 йил 20-23 май кунлари, соат 9.00. дан 18.00. гача «Ўзэкспомарказ» 1-павильони.

EXPO ITALIA 2003 TECHNOLOGIA, ASBOB-USKUNA VA TAYER MAHSULOTLAR TURTINCHI KURGAZMASI interexpo UY-JOY VA OFISLAR UCHUN MEBEL, dizayn, jixozlar UZAGROTEK 2003 KISHLOQ XUJALIGI MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASH UCHUN ASBOB-USKUNALAR VA TECHNOLOGIYALAR UZINTEX TUKIMACHILIK SANATI VA TAYER KIYIM-KECHAK TIKISHI

Америкаликларнинг тажрибасига қайтайлик. Улар оқва сувардан яна суғориш учун фойдаланиш, бошқача қилиб айтганда, оқва сув билан минераллашган суварни қўшиб суғоришга фойдаланиш бемаънилик дейишайми. Ҳақиқатан ҳам, бир майдонни шўрнин ювган сувдан иккинчи марта фойдаланиш қўшни ёки куйроқдаги майдонни шўрлантиради. Бу

тунлай воз кеча олмайми. Чунки сув ресурслари бизда чекланган. Ҳеч бўлмаса оқва сувардан фойдаланишни яримга қисқартирсак ҳам катта ютуқ бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шунини айтиш мумкин, деҳқонларимиз учун аънавий ва одатий ҳисобланган жузьялаб, яхлитлаб, пайқаллаб суғоришни тақомиллаштириш билан бирга ём-

миллион АКШ доллари зарур. Бу дастур 10-15 йил ичида амалга ошириладиган бўлса, ҳар йили шу мақсадлар учун 35-55 миллион АКШ доллари керак бўлади.

туфайли маҳсулотнинг таннархи ошиб кетади, деган гаплар ҳам бор. Аммо аслида ундай эмас, ёмғирлатиб суғориш машинасига кетган харажат маҳсулотнинг қўлайлиги туфайли ортиб билиб қолганиб кетади.

СУҒОРИШ аини муддао эмасми?

бизда давом этиб кетавради — ҳавзининг бошидан этакча-га. Ҳавзининг охирига қўпинча умуман суғоришга фойдаланиб бўлмайдиган сув етиб боради. Бу нимага ярайди? Шунинг учун ҳам америкаликлар суғориладиган майдонларда коллектор-дренажлардан оқиб чиққан оқва суварни суғориладиган майдонлардан четроққа, яъни қайтиб тўшмайдиган жойларга йиғишга ҳаракат қилади. Чунки шу йўл билан сув сифати бузилишининг олдини олиш мумкин.

ғирлатиб суғоришга ўтиш ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Биз мақола бошида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон шарафига ўсимликларни ёмғирлатиб суғориш илтери синиб кўрилан. Натижалар ҳам ижобий бўлган. Аммо уни бутун республика бўйлаб кенг қўлаш жорий этилмаган. Сабаби, кетмонда ишлаб ўрганган деҳқон психологик жиҳатдан бунга тайёр эмас эди. Яна бундай суғориш усули афзалликлари кенг тарғиб этилмади. Бундан ташқари, ёмғирлатиб суғориш техникасини сақлаб туриш учун моддий техника базаси, таъмир ва сервис хизмати йўқ эди. Шунингдек, ўзимизда бу техникани ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаганди. «Сув-лойдих» бирлашмасининг ҳисоб-китобларига қараганда ҳозир Ўзбекистонда 1700 минг гектар ер суғориш тизимлари суғориш реконструкция қилинган, 900 минг гектар ер эса мелiorатив ҳолатини яхшилашга муҳтож.

тажриба-ишлаб чиқариш ишларини олиб боради. Бу ишлар тилга олинган ерлари шўрланган вилоятларда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай тажриба кўп нарсага аниқлик киритади ва биз дадил ҳаракат қила болайми.

Шулардан 690 минг гектари, яъни республикадаги суғориладиган жами ерларнинг 16 фоизига «Сув-лойдих» навбатига биноан биринчи таъбирга ва ҳеч ким чиктирмамасдан ишлов бериш зарур. Бу ерлар асосан Сирдарё, Жиззах, Қашқадарь ва

Машинани уч сменада ишлатишдан мақсад суғориш қанчалари тизимдан суварнинг тунда тошиб кетмаслиги қўзда тутилди. Демак, юқоридаги 690 минг гектар ери суғориш учун 7 минг донга ёмғирлатиб суғориш машинаси керак бўлади. Бир гектар ерни эгаллаб суғоришдан ёмғирлатиб суғориш тизимига мослаштириш, суғориш тармоқларини реконструкциялаш ишларини, уни ёмғирлатиб суғоришга мослаштириш, яна машиналарни сотиб олиш учун ўртача 800 АКШ доллари керак бўлади. Шундай қилиб 690 минг гектар ерни тўла ёмғирлатиб суғоришга ўтказиш учун тахминан 550

«Сувлойдих» бирлашмасининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, соғинага 100 литр сув етказиб бериш битта ёмғирлатиб суғориш машина уч смена ишлашга Ўзбекистон шарафига давмулда ўртача 100 гектар ерни суғора олади.

ошиши ҳисобига тезда ўзини қоплаши керак. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда сарфланган бошланғич капитал маблағлар ерларни ёмғирлатиб суғоришга ўтилган, икки йилда қопланади. Гапимизни ёмғирлатиб суғориш усули ривожланган давлатлар тажрибаси тасдиқлайди. Шунингдек, бунин айрим майдонларда тажриба ўтказиб синиб кўриш ҳам мумкин. Мамлакатда қўлаб ёмғирлатиб суғоришчи машиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, уни қўлаш туфайли келадиган иқтисодий фойда жуда ҳам баланд бўлиши аниқ. Албатта, бу машиналарнинг ишлатиш

«Ўзбекнефтегаз»нинг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика финал босқичи бошланади. Болажонларнинг севимли байрамга айланган ушбу беллашуларга Тошкент шаҳар жамоаси «Тошкент-Урганч» йўналишидаги махсус поездда етиб борадилар.

«Сувлойдих» бирлашмасининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, соғинага 100 литр сув етказиб бериш битта ёмғирлатиб суғориш машина уч смена ишлашга Ўзбекистон шарафига давмулда ўртача 100 гектар ерни суғора олади.

В. АНТОНОВ, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги «Сув лойиҳа» бирлашмаси ирригатор-муҳандиси.

ЎЗНЕФТЕГАЗКУДУҚТАЪМИРЛАШ ОАЖ акциядорлари диққатига! Очик акциядорлик жамияти ўз акциядорларини 2003 йил 16 июнь куни соат 10.00да маъмурият биносида бўлиб ўтадиган навбатдан ташқари умумий йиғилишга таклиф этади. КУН ТАРТИБИ: 1. Кузатув кенгашининг низоом лойиҳасини тасдиқлаш. 2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги низоом лойиҳасини тасдиқлаш. 3. Тафтиш комиссиясининг низоом лойиҳасини тасдиқлаш. 4. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш. 5. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгариш киритиш. 6. Бошқа масалалар. Манзил: Қоровулбозор ш., Қарши шоҳқўчаси, «Ўзнефтегазкудуктаъмирлаш» ОАЖ маъмурий биноси.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Дарҳақиқат, футбол-мизининг ёрқин юлдузлари Миржалол Қосимов, Мурод Алиевларга чарм тўп сирларини ўргатган ва 1991 йили Дилмурод Назаров, Жаъфар Ирисметов, Отабек Пирматов каби шогирдларини тарбиялаган Бахтиёр Саидовдан юксак натижалар кутса бўлади. Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «RAST AGRO» шўъба корхонаси (ОКПО бўйича код — 17821020) тугатилди. Давловлар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомда қабул қилинади. Манзил: Тошкент, Қора Қум 3-тор кўчаси, 18-уй.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. ТУРАН РАНГАЛИ ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ТУМ ИЧКИ АНЖОМЛАРИГА ИЗОБГАТ БУЛАШНИ ТОВАЛАР ТУЛАК КОМПЛЕКТАРИНИ ТУПШИРИШ: Ироқнинг ва ўқувчи малакадорларнинг «Матиз» зарқини ўз ушбу турли профессионал (профна) бўлишда 19 юм. «Ўз» турли асослар (тош зарқини малакадорлар). Металлопрофна ва профнага турлимоли (95 дан 12-метрога). 1 квадрат метр маҳсулотнинг вази 4,5 кг. Тон вақо-ларини барқис Габр ўқувчиларига чет ва қозғалдири таъбирлади. ДИВОР ВА ОСМА ПИРАТ ДИКОРАТИВ ПАНЕЛАЛАРИ, УНАТИЧ ЗАБЕЛЛАРИ БИЛАН БИРГАЛАНКА Турли рангадаги панелер қозғалди, та-данмига 0,5 меклаж проталди асосли. Манзил: Тошкент ш., Муҳитданон к. 1(ТОСМЗ-1), Муҳажир «Буюк Илқаб йўли» м. ст. «ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг тарҳлари сезналарни қаматирилади. Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-50, 162-42-74. Факс: 162-41-85. E-mail: teztintom@qolobank.net.uz

JOB ANNOUNCEMENT UzDAEWOO Bank is an international commercial bank engaged in universal banking services according to international standards. The bank is currently building up its database of potential candidates for different positions available in the Bank. We are seeking for self-motivated, diligent, creative-minded persons, who are able to work independently. We welcome any applications towards the wide range of positions. Interested persons are kindly requested to send their resumes together with autobiography essays via e-mail Nazirjon@daewoobank.com or by fax (+ 998-71) 132 08 00 Contact telephone: 120 80 00 Contact person: Nazirjon Turgenov.

Кашкадарь вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлис депутати, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вақили С. Ш. Рашидовга онаси КУРСАНОВА ЯНИНГ вафот этганини муносабати билан таъзия изҳор этади. «Ўзнефтегазкудуктаъмирлаш» акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси «Муборакнефтегаз» УШК ходимлар бўлими бошлиғи ўринбосари Абдурахмон АБДИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Алабба ҳаётиямаси Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Минҳожиддин Мирзога отаси Мирзабек ҚОЖИМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон радиоси жамоаси «Ёшлар» катта муҳаррири Раҳима Раҳматова, «Ўзбекистон» канали диққоти Умида Хидирова оталари Абдураҳман ота ХИДИРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Тошкент Фармацевтика институтини жамоаси институт иқтисодий фанлари ва демократик жамият қуриш назарияси кафедраси мудири Хусан Мамедовга онаси ФАЗИЛАТ ЯНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Шу кунларда ўлкамизда кезиб юрган баҳор нафаси Бойсун заминига ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Жаннатмакон юртимизнинг пуриқор тоғлари бағрида жойлашган ушбу гўзал ва фусункор маскан гўё уйғониш ва янглираниш фаслининг яшил денгизига ғарқ бўлгандай. Тоғу-тошлардан оқиб тушадиган ҳар бир ирмоқ, жилғалар садоси остида ўз ёрени кутаётган Барчинонинг нафис кўшиқлари янграётгандай. Кенг далалар, қиру адиқлар узра эсаётган энгил шамол мусиқаси эса ўз юртига ошиққан Алғомиш кўбизи куйини эслатади. Гўё, баҳор инсоният маданияти ўчоқларидан бири ҳисобланмиш ушбу қадимий диёр табиати билан бир қаторда ўтмиш руҳини ҳам уйғотгандек.

ғиб этиш мақсадида «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали ўтказилган эди. Унда Марказий Осиё ва бошқа қатор чет давлатлардан келган 400 дан зиёд маданиятшунос олимлар, фольклор дасталари, бахшилар, миллий-хунармандчилик усталари, каштачи-тикувчилар, кўшиқчи-лапарчилар иштирок этди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан ташир буюрган санъат усталари чет эллик ҳамкасб-

анжуманининг асосий ташкилотчилари «Бойсун» санъат ва маданиятини қўллаб-қувватлаш фонди, Турғун Алиматов хайрия жамғармаси, мамлакатимизнинг SMI Groip фирмаларидир. Шунингдек, фестивал ЮНЕСКО, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон санъат академияси томонидан расман қўллаб-қувватланмоқда.



лари билан ёнма-ён туриб, ўзларининг халқ оғзаки ижодиёти ва фольклор борасидаги маҳоратларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган эди.

Япониялик Хироши Хошино ва Фурута Харухиса, корейлик Квон О-Сун ва Хан Хунг Суб, франциялик Ивонна де Сайк ва россиялик академик Некрасов каби қатор дунёга машҳур олимлар фестивал доирасида бўлиб ўтган илмий анжуманларда иштирок этдилар.

Бугун кўхна Бойсун кучоғида навбатдаги фестивал бошланади. Бу йилги

Анжуманда мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг турли давлатларидан келган фольклор дасталари, бахшилар, миллий рақ гуруҳлари, санъатшунос ва ўлкашунос олимларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Фестивал давомида иштирокчилар Бойсун қишлоқларида очик концертлар бериши, ушбу кўхна диёрнинг тарихий ва маданий аҳамиятга молик бўлган масканларини зиёрат қилиши, фольклор ансамбллар кўриги ва бошқа қатор тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган.

Акмалжон ҚҮЧҚОРОВ.

THE EMBASSY OF SWITZERLAND IN TASHKENT has a challenging opening for a

Desk Officer / Translator

General

The Swiss Embassy in Tashkent is looking for a new colleague, having experience as translator (Russian / Uzbek / English), and who knows how to handle projects in the area of culture, press work and technical assistance.

Main tasks and duties:

- Oral / written translation in Russian, Uzbek and English
- Press review and information handling
- Assistance in planning and implementation of cultural events
- Assistance in evaluation and implementation of small projects in the area of technical assistance
- Various secretarial tasks

The candidate should have:

- Good communication skills, be open-minded and a team-player
- Experience as a translator and desk officer
- Writing/reporting skills
- Excellent knowledge of Russian / Uzbek / English (oral and written)
- Computer skills (word/excel)
- Age between 30 - 35

Hand-written applications (inclusive full CV in English) should be sent to the Embassy of Switzerland in Tashkent, attention to the Head of Chancery. No correspondence will be exchanged during the selection period. The Embassy of Switzerland in Tashkent will only contact short-listed candidates. The deadline for application to be received is: 20.05.2003. No applications will be considered after this deadline.

Address: Usman Nosir ¼ 700070 Tashkent

«МАХСУСЭНЕРГОАЗ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«МАХСУСЭНЕРГОАЗ» ОАЖ акциядорларининг 2003 йил 25 мартдаги умумий йиғилиши қарори билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги Фармонида мувофиқ АЖнинг низоом жамғармаси 52962 минг сўмга ошади.

Акцияларнинг номинал қиймати 1400 сўмгача ошади.

Шу муносабат билан 2003 йил 1 июнгача АЖнинг бухгалтериясига қиймати ўзгаририлган сертификатта алмаштириш учун номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларинингизни топширишингизни сўраймиз.

Кўрсатилган вақт ўтиши билан акциялар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

«МАХСУСЭНЕРГОАЗ» ОАЖ бошқаруви.

Бойсунда яна баҳор байрами

Бугун кўхна Сурхон воҳасида «Бойсун баҳори» очик халқаро фольклор фестивали очилади

Бойсун инсоният тамаддунининг бир неча минг йиллик тараққиёти давомида не-не зиддиятлар, юксалиш ва инкирозларни ўз бошидан кечирмади. Мазкур кўхна заминдаги ҳар бир дов-даракт, тоғу тошдан тортиб, ҳар бир дараю қишлоқ ушбу улғув тарих саҳифаларининг гувоҳидир. Уларнинг ҳар бири ўтмишимиз, ма-

даниятимиз, урф-одатларимизни ёд этувчи афсона ва дostonларга эга.

Баҳор палласида тарих ва афсоналар ила муштараклашиб кетган Бойсун маданияти қайтадан жонланади. Кўхна маскан аҳлининг ўзига хос фольклор мусиқаси, оғзаки ижодиёти, халқ дostonлари, маҳаллий хунармандчилиги, миллий либос ва рақслари ҳамда қадимий урф-одатлари уйғониш фаслининг турфа хил ранглариде ўзининг ажиб ва мафтункор жилосини кўрсатади.

мўъжазгина бир масканда халқимизнинг қадимий урф-одатлари, яшаш тарзи, турмуш маданияти ва санъатининг минг йиллар давомида деярли ўзгармай келаётгани бутун жаҳон ҳамжамиятини лол қолдирган. Шу сабабдан 2001 йилда Бойсун маданияти ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» дея эълон қилинган. Айтиш жоизки, бутун кўрраи заминимизда атиги 19 та мана шундай ноёб маданият ва маънавий масканлари мавжуд, холос.

Маълумки, 2002 йилнинг баҳориде ушбу мўъжаз маскан маънавий-маданий анъаналарни сақлаш ва асраш, уларни халқимиз орасида ва халқаро миқёсда кенг тар-



ТАШКИЛОТ УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАРГА

ТОШКЕНТДАГИ БОЖХОНА ОМБОРИДАН ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КУЙДАГИ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МАХСУЛОТЛАРИНИ СОТАДИ:

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАР

МАРКАСИ	КВТ	минутига айланishi	бажарилиш	баҳоси (сўмда)	МАРКАСИ	КВТ	минутига айланishi	бажарилиш	баҳоси (сўмда)
АИР 63A2	0,37	3000	1081	45 800	АИР 90L4	2,2	1500	1081	74 300
АИР 63A2	0,37	3000	2081	47 700	АИР 90L4	2,2	1500	1081	77 600
АИР 63B2	0,55	3000	1081	45 800	АИР 90L6	1,5	1000	1081	74 300
АИР 63B2	0,55	3000	2081	47 700	АИР 90L6	1,5	1000	2081	77 600
АИР 63A4	0,25	1500	1081	45 800	АИР 100S2	4	3000	1081	96 600
АИР 63A4	0,25	1500	2081	47 700	АИР 100S2	4	3000	2081	101 300
АИР 63B4	0,37	1500	1081	45 800	АИР 100L2	5,5	3000	1081	103 200
АИР 63B4	0,37	1500	2081	47 700	АИР 100L2	5,5	3000	2081	108 000
АИР 71A2	0,75	3000	1081	56 000	АИР 100S4	3	1500	1081	96 600
АИР 71A2	0,75	3000	2081	58 400	АИР 100S4	4	1500	1081	101 300
АИР 71B2	1,1	3000	1081	56 000	АИР 100L4	4	1500	1081	103 200
АИР 71B2	1,1	3000	2081	58 400	АИР 100L4	4	1500	2081	108 000
АИР 71A4	0,55	1500	1081	56 000	АИР 100L6	2,2	1000	1081	103 200
АИР 71A4	0,55	1500	2081	58 400	АИР 100L6	2,2	1000	2081	108 000
АИР 71B4	0,75	1500	1081	56 000	АИР 100L8	1,5	750	1081	103 200
АИР 71B4	0,75	1500	2081	58 400	5AM 112M2	7,5	3000	1081	127 400
АИР 80A2	1,5	3000	1081	64 300	5AM 112M2	7,5	3000	2081	133 300
АИР 80A2	1,5	3000	2081	67 100	5AM 112M4	5,5	1500	1081	127 400
АИР 80B2	2,2	3000	1081	68 100	5AM 112M4	5,5	1500	2081	133 300
АИР 80B2	2,2	3000	2081	71 100	АИРМ132M6	7,5	1000	1081	183 350
АИР 80A4	1,1	1500	1081	64 300	АИРМ132S4	7,5	1500	1081	158 200
АИР 80A4	1,1	1500	2081	67 100	АИРМ132M4	11	1500	1081	180 500
АИР 80B4	1,5	1500	1081	68 100	АИРМ132M2	11	3000	1081	174 800
АИР 80B4	1,5	1500	2081	71 100	АИРМ132S6	5,5	1000	1081	172 000
АИР 80B6	1,1	1000	1081	68 100	5AE80MB2	1,5	3000	1081	94 200
АИР 80B6	1,1	1000	2081	71 100	5AE80MB4	1,1	1500	1081	94 200
АИР 90L2	3	3000	1081	74 300	RAEC 90L2	2,2	3000	1081	193 300
АИР 90L2	3	3000	2081	77 600					

НАСОСЛАР

МАРКАСИ	Вольт	КВТ	минутига айланishi	баҳоси (сўмда)
БЦПГ 4-8 (Гномик)	220	0,4	3000	185 250
Гном 10-10	220	1,1	3000	250 700

ЭЛЕКТРИСИТГИЧ АСБОБ ВА УСКУНАЛАРИ

ЭЛЕКТРИСИТГИЧЛАР



МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭНП-1-0,75/220	14 900
ПЭТ-4 (1 Квт)	17 200

ДЕВОРГА УРНАТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОКОНВЕКТОРЛАР

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭВНТ-0,5 Квт	27 900
ЭВНБ-1,0 Квт	28 100
ЭВНБ-1,5 Квт	30 000

ЭЛЕКТР СУВ ИСИТГИЧЛАР

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭВБО-15-1Квт	31 700
сув оқиб турадиган ПЭВН-220-3,5-0,2И	39 600
сув оқиб турадиган ПЭВН-5,0 220Д	47 200



МОЙ БИЛАН ТЎЛДИРИЛГАН ЭЛЕКТРРАДИАТОРЛАР

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭРМПБ-1,0Квт	47 700
ЭРМПБ-1,25Квт	52 900
ЭРМПБ-1,5Квт	57 600

ИСИТИШ ЭЛЕКТР ҚОЗОНЛАРИ

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭВП-1,6 (моноблок)	65 200
ЭВП-3,0 (моноблок)	91 600
ЭВП-6,0 (моноблок)	92 900
ЭВП-9,0 (моноблок)	100 300
ЭВП-12,0 (моноблок)	108 900
ЭВП-24,0 КТМ	330 500
ЭВП-36,0 КТМ	352 200
ЭВП-48,0 КТМ	370 500

ДАСТУР БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ЭЛЕКТРКАМЕНКАЛАР

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ЭКМ 1-3 Квт	146 600
ЭКМ 1-6 Квт	182 900

ЭЛЕКТРОКАЛОРИФЕР

МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
КЭВ-3,5 Квт	111 600
КЭВ-12,0 Квт	268 750
КЭВ-21,0 Квт	284 400
КЭВ-42,0 Квт	300 100
КЭВ-60,0 Квт	306 300
СФО-25,0 Квт	296 700
СФО-40,0 Квт	324 500

ТЭНлар тўплами


МАРКАСИ	баҳоси (сўмда)
ТЭН 45А 10/1,6 P220 ф.2R 30 штуц	3 100
ТЭН 60А 10/2,0 P220 ф.2R 30 штуц	3 400
ТЭН 80А 10/2,0 P220 ф.2R 30 штуц	3 800
ТЭН 100А 10/3,15 P220 ф.2R 30 штуц	4 300
ТЭН 100А 13/0,8 S220 ф.2R 30 штуц	5 100
ТЭН 100А 13/0,63 S220 ф.1	3 300
ТЭН 140В 13/1,0 S220 ф.2R30	4 100
ТЭН 236В 10/2,0 S220 ф.4 зангламайдиган штуц	20 700
ТЭН электросоварлар	2 600
ТЭН электрройнаклар	3 300

ЭСЛАТМА:

1. Электродвигателлар учун: бажарилиш 1081 — пастдан маҳкамланишни (панжалар), бажарилиш 2081 — пастдан ва ёндан маҳкамланишни (панжалар ва фланцлар) ағллатади.
2. Баҳолар DAF Тошкент шартида кўрсатилган ва улгуржи харидорларга мўлжалланган. Барча маҳсулотлар сертификатланган, техник баён (паспорт)га эга, ишлаб чиқарувчи заводнинг кафолати бор.
3. Юқорида баён этилган шартларда олдидан берилган буюртма асосида Россиядан ҳар қандай электртехник маҳсулотларни етказиб бериш имконияти бор. Буюртмани бажариш муддати — 2 ой давомида.

Валюта контрактларини тузишга ёрдам берамиз.

Ускуналарни сотиб олиш ёки улурга буюртма бериш буйича куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Анна Аҳматова кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 57-80-09, 57-86-84. Факс: 57-88-80. E-mail: oltoy@albatros.uz galym@online.ru



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
 Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралминов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қанбиренов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
 Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рушдатдан ўтиш тартиби № 00001
 Буюртма Г — 428, 29563 нууслада босилди,
 ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
 Қозғоқ бичими А-2
 Газета ИВМ компьютеризлаш тартиби ва операторлар
 Жамшид ТУРАЕВ ва Аббар БОЛТАЕВ
 томонидан саҳифаланди.
 Таҳририятда ҳажми 5 қоролган эълан
 материаллар қабул қилинмайдди.
 [I]-Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
 700000, ГСП,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи котиб — А. Оршов.
 Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
 Навбатчи — С. Ҳайдаров.
 Мусоҳиҳ — Ш. Машираббоев.

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Шарқ» нарийф-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6